

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
14 март
ШАНБА
№ 21
(12.136)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Ташаббус – 2009

Мамлакатимиз Президенти соврини учун ўтказилган аънанавий "Ташаббус" кўрик-танлови ишбилармон доира вакиллари учун ўзаро маҳорат ва тажриба алмашиш мактабига айланди. – Бу йил "Ташаббус – 2009" танлови ўн тўртинчи бор ўтказилмоқда, – деди савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Валижон Нурмухаммедов. – Утган йиллар давомида нуфузли танловни ўтказишда яхшигина тажриба орттирдик. Энг асосийси, танлов сабаб ҳудудларда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда тадбиркор, фермер ва хунармандларнинг илгор тажрибаларини кенг оммалаштириш имконини юзага келмоқда.

Маълумотларга қараганда, ҳозир вилоятимизда 32291 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 2007 йилдаги 44,5 фоиздан 2008 йилда 49,6 фоизга, хизматлар соҳасининг улуши 27,7 фоиздан 32,9 фоизга ўсди. Утган йили 52,7 минг, шу жумладан, касаначилик

рени гавдалантирганман. Мана шу кўриқчиларим билан Польша, Югославия ва Россиянинг кўпгина шаҳарларида бўлдим. Паркент туманидаги "Раҳимжон" фермер ҳўжалиғи галлачилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Фермер Дилшод Абдуллаев 20 йилга яқин қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб келибди. – Фақат деҳқончилик



Кўклам хайрли ишлардан бошланади

Бугун эрта тонгданоқ мамлакатимиз бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашарига киришилди

Халқимиз катта байрамларни ҳамisha кўтаринки кайфиятда, муносиб тадорик билан қарши олишга одатланган. Бутун борлиққа тирикли ва гўзаллик, яшариш ва бунёдкорлик олиб келувчи баҳор фаслининг бошланиши, миллий байрамининг – Наврўз айёмининг яқинлашиши ҳар бир кўнгилда яратувчанлик ва яшнатувчанлик иштиёқини уйғотади. Мухтарам Юртбошимиз таъбири билан айтганда, барчамиз доимо орзиқиб кутадиган ва катта хурсандчилик, шодийна билан ўтказадиган Наврўз байрамини биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёғамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетақорор ифодаси бўлиб келмоқда.

Маҳкамасининг 2009 йил 5 мартдаги ҳамда вилоят ҳокимининг шу асосдаги фармойишларига кўра март-апрель ойларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, вилоятимизнинг жамики қишлоқ ва шаҳарларида ҳам ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ойларида ўтказилмоқда. Мазкур ойлалар доирасидаги энг оммавий ва аҳамиятли тадбир, бу шубҳасиз, 14-15 март кунлари – бугун ва эртага давом этадиган умумхалқ хайрия ҳашаридир. Мазкур умумхалқ тадбири аввало, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида ижтимоий ҳамкорлик, беғараз ёрдам ва меҳр-оқибат каби халқимиз табиатига хос эзгу фазилатларни тўлақонли намоеън этиш, маҳаллар, аҳоли тураржойлари, кўча ва хиёбонлар, табаррук қадамжолар, қабристонларни ободонлаштиришга, пировардида, диёримизнинг фуқунор фойза-тароватини оширишга хизмат қилади.

Ишлов ва шакл бериш, сугориш билан бир қаторда яна юз минглаб манзарали, мевали дарахтлар, турфа гул қўчатлари ўтказилмоқда. Шу билан бирга ободонлаштириш ойларида, жумладан, икки кунлик ҳашарда алоҳида ўрнат ва намуна қўрсатган, аҳиллиги ва бирдамлиги билан ибрат бўла олган шаҳарча, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларини алоҳида рағбатлантириш ҳамда режалаштирилган.

Аллаҳачон вилоятимизнинг шаҳар ва туманлари, қишлоқ, овул ва маҳалларида Наврўзи оламни катта тантана ва шодийна билан нишонлашга тайёргарлик ишлари қизғин бошланиб кетди. Айниқса, байрам шўхуки бутун вилоятини аҳолини диёримизни янада обод ва файзли қилишга руҳлантирмоқда, ҳар ким ўзи яшаётган ҳудуднинг янада кўркам, фуқунор қиёға касб этишига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш ҳаракатида. Қувонарлиси, одамларимиз бугун ободлик аввало, кўнгилдан бошланишини, чоратроф озода, саранжом бўлгандагина, ҳаётимиз гўзал, турмушимиз фойзабарокатли бўлишини чуқурроқ англаб бормоқдалар.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида халқимизнинг бундай олижаноб фазилатлари, хайрли урф-одатлари янада теранроқ мазмун-моҳият касб этаёпти, десак хато бўлмайдими. Бинобарин, Вазирлар

Албатта, ҳашар кунлари ўзгалар кўмағига муҳтож инсонлар – кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга беғараз моддий ва маънавий ёрдам қўрсатиш, аввало, уларнинг уй-жойларини тартибга келтириш, маиший турмуш шартларини яхшилаб беришга алоҳида эътибор қаратиш кўзда тутилган. Бу сафарги ҳашарда қўрсатилаётган моддий ёрдам микдори 45 миллион сўмдан ошадими. Ойлик давомида эса бу мурувват 315 миллион сўмни ташкил этиши мўлжалланмоқда.

Бугун ана шу хайрли ва савобли ишга ушшоқлик билан киришилди. Бутун вилоятимиз аҳоли ҳашар кайфияти, бирдамлик ва ақидили, муштарак мақсад билан остона ҳатлади. Бинобарин, ҳашарга чиқмаслик, маҳаллага қўшилмаслик, унинг яхши-ёмони, оғир-енглигига елка тутмаслик – назардан қолиш деган гап. Буни табиатан гурурли ва ориятли бўлган маҳалладошларимиз жуда яхши тушунадилар. Бугунги кўламли ҳаракатлар шундан далолатдир.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси.

ҲАРАКАТ ҚИЛГАН ЮЗАГА ЧИҚАДИ

ҳисобига 17,8 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди.

Танлов иштирокчилари кўргазмага олиб келган турли-туман маҳсулотлар тадбирга таширф бюрорлар кўзини қувонтирди. Айниқса, янги ишлаб чиқарилган, танловга биринчи марта олиб келинган маҳсулотларга қизиқувчилар кўп бўлди. – Мен бу танловда илк бор қатнашим, – дейди Кўйичиқ туманидаги "Азиза Пейнер" хусусий корхонаси раҳбари Азиза Бектошева. – Кўргазмага бринзанинг 4 хилини, пишлоқнинг 2 хилини ва қаймоқнинг катта-кичик идишларга қадоқланганларини олиб келдик. Маҳсулотларимизга қизиқувчилар шу даражада кўп бўлади, деб ўйламагандим. Татиб кўргач, телефон рақамимиз ёки корхонамиз манзилини сўрагани мени қувонтирди.

Янгийўллик хунарманд, миллий кўриқчок устаси Ўринбой Иброҳимов суҳбатга қўшилди. – Биз ясаган кўриқчоклар билан бочча ва мактаб болаларини тарбиялаш мумкин. Чунки мен кўриқчокларимда ўзимизнинг миллий эртақ қаҳрамонла-

билан шуғулланиб, ўз қобилигимизга ўралиб қўлишни истамайман, – деди фермер. – Топаётган даромадимиз ҳисобидан янги спорт иншооти қуришни бошлаб юбордик. Ҳозиргача бу ерда 145 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Маҳмуани Истиқлолимизнинг 18 йиллик тўйига тўхфа қилмоқчимиз.

Нихоят, ҳақамлар, иштирокчи ва томошабинлар

вилоят Маънавият ва маърифат марказининг 360 ўринли залига тақдир этилди.

Ғолиблар номи биринкетинг эълон қилинди. "Ташаббус – 2009" кўрик-танлови вилоят босқичида "Йилнинг энг яхши тадбиркори" номига Паркент туманидаги "Sunny Raising" масъуляти чекланган жамият раҳбари Рашид Пирматов сазовар бўлди. Уртачирчиқ туманидаги "Қамол

ота" фермер ҳўжалиғи раҳбари Тўлқин Қомиллов "Йилнинг энг яхши фермери" деб эълон қилинди. Оқангарон шаҳрилик Заҳида Баҳодирова энг моҳир хунарманд сифатида эътироф этилди. Шунингдек, танловда қўшимча номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, муносиб тақдирланди. Уртачирчиқлик хунарманд Умида Исоқова "Йилнинг энг ёш хунарманди",

Юқоричирчиқ туманидаги "Мерос" фермер ҳўжалиғи раҳбари А. Усмонов "Йилнинг энг ёш фермери" ҳамда қўйичирчиқлик Жуманиёз Бойтўраев "Йилнинг энг ёш тадбиркори" бўлишди. Ангрэн шаҳридаги "Нуробод-нон" кичик хусусий корхонаси раҳбари Мурод Мадоровнинг кенг кўламадаги хайр-саховат ишлари инобатга олиниб, "Йилнинг энг мурувватли тадбиркори" дея эътироф этилди. Олмалик шаҳрида миллий либослар тиқини йўлга қўйган Пошшасанафтон Нисёева "Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли" деган номга эга бўлди.

Ғолиблар 30-31 март кунлари пойтахтда ўтадиган танловнинг республика босқичида иштирок этишди.

Хуршида НАЗАРОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. СУРАТЛАРДА: "Ташаббус – 2009" кўрик-танловда янги маҳсулотлар намойиш қилинди. Даврон АҲМАД олган суратлар.



Огоҳлик ШОДИЁНАЛАРГА ТАЙЁРЛАНДИ

Бугун ҳар бир юртдошимизнинг ҳечқанда табас-сунуфурит турибди, десак асло мулобала бўлмайдими. Сабаби, баҳор фасли ўзининг хушбўй нафаси ва илиқ тафти билан бутун борлиқни чулғаб, она табиатнинг чексиз гўзаллигини намоеън этмоқда.

Баҳор фаслининг кўтлуг айёми – Наврўзи олам – умумхалқ байрамига ҳам санокли кунлар қолди. Уни муносиб қутиб олишга тайёргарлик қуриш, айниқса, азалий қадриятларимизнинг қайта тикланиши муштақлик йилларида ўзгача мазмун-моҳият касб этди. Шунингдек, Наврўзи кўтаринки рўнда қутиб олиш, осойишталиқни кўз қорачиқидек асраш асосий вазифаларимиздандир. Шу мақсадда ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ўтказилган маънавий соатларида ҳушёрликни кучайтириш, тинчлик ва осойишталиқни сақлаш, жамоат тартибини мустаҳкамлаш масалаларига бағишлаб суҳбат ва учрашувлар ўтказилаётир. Ҳар бир йилнинг кўннинг байрамда фалол иштирокини таъминлаш мақсадида бадий концерт дастурлари, спорт мусобақалари ташкил этилаётди.

Тинчлик-осойишталиқнинг қадрига этиш, уни эъзозлаш ҳар биримизнинг масъуляти бўлмоқда.

Кўшма корхоналарда

Вилоятимизда етиштирилаётган мева-сабзавотларга талаб доим юқори бўлган. Паркентнинг қишлоқлик ёки Қўйичиқ оламсини бир марта еган одам уни яна қўмсаши андиқ.

Собик тузум даврида, ҳарбий хизматдаги бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Куз ойлари эди. Уйдан совға-салом олдим. Одатда хизматдаги аскарлар Ўзбекистондан келган мева-чеваларни ёқтиришарди, уйдан Болтик бўйидан келган хизматдошим кўлидаги қип-қизил олмаи бир тишлаб, мазагига тан берар экан: – Бу қадар ширин мевани умримда биринчи бор ейишим, – деди.

– Биз томонларда ҳам олманг турлари кўп, лекин бундангиз ширин эмас, – гапга қўшилди яна бир аскар.

Ўзимизда кўп хом ашё олисдан келтирилмоқда

хос тарихи бор. Утган йиллар давомида завод ижара, жамоа корхонаси сифатида фаолият қўрсатди, лекин ишлаб чиқариш ҳажми камийиб, банкрот ҳолатига тушиб қолди. 2005 йили заводни Самарқанд вилоятидаги "Агропмит" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси сотиб олди. Тез орада корхона бутунлай қайта таъмирланиб, замонавий хориж ускуналари билан жиҳозланди. Бугун Швейцариядан олиб келинган қиймати 227 минг АКШ долларига тенг ускуна бор кеча-кундузда 200 тоннадан ортиқ олмани қайта ишлаш қуввати эга. Немисларнинг қадоқлаш линияси эса, маҳсулот сифатини янада ошириб, харидорнинг қилаёти. Кейинроқ меваларни сараловчи яна бир янги ускуна келтирилди. Украинада ишлаб чиқарилган мазкур ускуна хом ашёни саралашда тез ва қулайлиги билан ажралиб туради.

Дарҳақиқат, корхонада ишлаб чиқариш қувватларининг модернизация қилиниши ва технологик жиҳатдан янгилашиши туфайли маҳсулот ҳажми кескин ортиб, сифати яхшиланди. Бу орада заводнинг кредиторлик қарзлари ҳам узилди. Бугун корхона 40

ёхуд корхона тўла қувват билан ишлашига нима халақит бераёпти?

қувват билан ишлаёпти, деб айта олмаимиз, – дейди Фахриддин Умирбоев. – Агар хом ашё вақтида етказиб берилса, маҳсулот ҳажми 10 миллион АКШ долларига етиши мумкин. Энг муҳими, 1000 дан ортиқ ишчи ўрни яратилади.

Ҳў, муаммо нимада? – Гап шундаки, сўнгги икки-уч йилдан бери биз билан шартнома тўзётган фермер хўжалиқлари белгиланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тўла етказиб бера олмаёпти, – дейди корхона ҳўкумдони Равшанбек Саввадов. – Утган йили Ўзбекистон, Паркент, Тошкент, Зангиота, Қўйичиқ туманларидаги 457 та фермер хўжалиғи билан 1 миллиард 14 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан шартнома имзоланиб, банкдан

Миллион сўм микдорда бўлак ҳам берилган бўлишига қарамай, корхонамизга бор-йўри 450 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотни етказиб берилди. Бу белгиланган маҳсулотнинг 30 фоизи, холос.

Хатто айрим туманлар шартнома тузишнинг ўзидаёқ сусткашликка йўл қўйганлар, – дейди директорнинг хом ашё таъминоти бўйича ўринбосари Ойбек Саидганиев. – Жумладан, Паркент тумани қишлоқ ва сув хўжалиғи бўлими бошлиғи Абдувойид Алматов белгиланган 2250 тонна ўрнига 1500 тонна, Қўйичиқ тумани қишлоқ ва сув хўжалиғи бўлими бошлиғи Каюм Косимов эса белгиланган 8200 тонна ўрнига, бор-йўри 500 тоннага шартнома тўзган. Натийжада хом ашёни қиммат бўлса ҳам Фарғона, Наманган, Самарқанд вилоятларидан келтиришга мажбур бўлдик. Бу йил ҳам шундай вазиятга тушиб қолганинг олдини олиш мақсадида республика Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлиғи ҳамда вилоят ҳокимлиғига хат билан мурожаат қилдик. Зора, муаммо ҳал этилса...

Маълумки, жаҳон молиявий инқирози туфайли дунё бозорида маҳсулотга талаб пасайиб бораётган ҳозирги шартномада ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини сақлаб қолишда гоят муҳим аҳамиятга эга. Хом ашё етказиб беришни тўғри ташкил этиш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш борасида ҳамкорларимиз атрофлича ўйлаб қўришса, айни мўддао бўларди.

Улғубек ҲАМРОҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Миллион сўм микдорда бўлак ҳам берилган бўлишига қарамай, корхонамизга бор-йўри 450 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотни етказиб берилди. Бу белгиланган маҳсулотнинг 30 фоизи, холос.

Хатто айрим туманлар шартнома тузишнинг ўзидаёқ сусткашликка йўл қўйганлар, – дейди директорнинг хом ашё таъминоти бўйича ўринбосари Ойбек Саидганиев. – Жумладан, Паркент тумани қишлоқ ва сув хўжалиғи бўлими бошлиғи Абдувойид Алматов белгиланган 2250 тонна ўрнига 1500 тонна, Қўйичиқ тумани қишлоқ ва сув хўжалиғи бўлими бошлиғи Каюм Косимов эса белгиланган 8200 тонна ўрнига, бор-йўри 500 тоннага шартнома тўзган. Натийжада хом ашёни қиммат бўлса ҳам Фарғона, Наманган, Самарқанд вилоятларидан келтиришга мажбур бўлдик. Бу йил ҳам шундай вазиятга тушиб қолганинг олдини олиш мақсадида республика Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлиғи ҳамда вилоят ҳокимлиғига хат билан мурожаат қилдик. Зора, муаммо ҳал этилса...

Маълумки, жаҳон молиявий инқирози туфайли дунё бозорида маҳсулотга талаб пасайиб бораётган ҳозирги шартномада ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини сақлаб қолишда гоят муҳим аҳамиятга эга. Хом ашё етказиб беришни тўғри ташкил этиш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш борасида ҳамкорларимиз атрофлича ўйлаб қўришса, айни мўддао бўларди.

Улғубек ҲАМРОҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ИШЧИЛАРАРО КўРИК-ТАНЛОВ

Олмалик тоғ-металлургия комбинати очик акциядорлик жамияти меҳнат жамоаларида «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсиз меҳнат шартларини яратишдаги энг яхши жамоатчилик нозорати», «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакил», «Энг яхши санитар-маиший бино», «Энг яхши ишчи ошхонаси» номинациялари бўйича ўтган йили эълон қилинган танлов ғолиблари аниқланди.

Ғолиблар диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Бу йил эса, комбинат ишчи-хизматчилари ўртасида илгор меҳнат тажрибалари, прогрессив технологиялар ва услубларни кенг тарғиб этиш, амалда қўллаш, меҳнатқарларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, иқодий қирраларини очиб ҳамда ишчи касбининг обрўини юқори даражага кўтариш мақсадида «Ўз касбининг устаси» кўрик-танлови эълон қилинди.

2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ВАЗИФАЛАРИМИЗ КЎЛАМИ КАТТА

Йилдан йилнинг фарқи бор. Мустақилликнинг ҳар бир йили мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ўзига хос устувор йўналишлар касб этиб борапти. Чунинчи, ўтган Ёшлар йилида туманимиз иқтисодий салоҳиятини оширишда муайян ижобий силжишлар юз берди.

Ишлаб чиқарилган жами маҳсулот ҳақми 142 миллиард сўмга етди. Йиллик ўсиш саноат ва қишлоқ ҳўжалигида, айниқса, салмоқли бўлди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, чакана савдо, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида ҳам ўсиш суръатлари кўтарилган борапти. Пахта тозалаш ва қишлоқ ҳўжалик машиналарини таъмирлаш ҳиссадорлик жамиятлари, нон заводида маҳсулот ҳақми ортапти. Қурилиш-монтаж ишлари ҳам ўсумоқда. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, спорт соҳалари ривожланапти.

Лекин Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Давлатимиз раҳбари ижтимоий-иқтисодий соҳадаги аҳволни чуқур таҳлил қилиб, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш йўллари аниқ-равшан белгилаб берди. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" туман дастурини ишлаб чиқишга биз шу мулоҳазалар ва йўл-йўриқлар нуктаи назардан ёндашдик. Барча йўналишлар бўйича мақсад ва вазифалар муфассал белгилаб олинди.

Иқтисодий соҳаларда бу йилги режаларимиз айниқса катта. Чунинчи, саноат маҳсулотлари ялли ҳақмини 10,6, истеъмол молларини 17,7 фоиз ошириш мўлжалланмоқда. Бу йил нон ишлаб чиқариш корхоналарини техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаб, "Jall & Hos Brlks" қўшма корхонаси қувватларини ишга туширамиз. Тўхтаб ётган консерва заводини ҳам модернизациялаб, қувватларини қайта тиклаш чораларини кўрмоқдамиз.

Қишлоқ ҳўжалиги, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, алоқа, савдо ва маиший хизмат соҳалари ҳам жадал ривожлантирилади. Янгидан 2 та паррандачилик фермаси, 5 та иссиқхона, кўплаб бошқа инфратузилма корхоналари барпо этилади.

Туманимизда 615 ўринли касб-хунар коллежи, 12,3 минг квадрат-метр ўй-жой, 2,5 километр узунликда табиий газ, 3,5 километр узунликда тоза ичимлик суви тармоқлари барпо этилади. Узбекистон, Ачамайли, Тўқбой қишлоқлари, «Кўргон», «Терақзор», «Қорақўйли» маҳаллаларида ичимлик сув тармоқлари, насос ва трансформаторлар таъмирланиб, янгиланади. Зафар шаҳарчасида 39 та кўп қаватли уй мустақил иситиш тизимига ўтказилиб, иссиқлик тармоқлари соланади. «Саврак», «Уяс», «Қолғонсир» маҳаллаларидаги йўллар тартибга келтирилади. Қишлоқ жойлардаги 15 та болалар боғчаси бинолари ва иситиш тизими таъмирланади.

Шуни ҳисобга олиб, барча маҳаллар ҳисобидан 13,8 миллиард сўм ажратилмоқда. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишларида "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоасининг ҳиссаси салмоқли бўлаётти.

Ишончимиз комилки, режадаги вазифалар мукамал бажарилиб, қишлоқларимиз яна ҳам кўркам ва обод бўлади, аҳолининг турмуш даражаси кўтарилди.

Шодибек ҲАМРОЕВ,
туман ҳокими.

Қонун ижрочилиги

Давлатимиз раҳбари Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатларининг фаолиятига жиддий эътирозлар билдирди. Депутат шунчаки халқ сайлаб қўйган вакил эмас, балки сайловчилар воқалатида эга етакчи, ташкилотчи, ижро интизомини ошириш, жамиятда кечаётган жараёнлар учун масъул эканлигини таъкидлади. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бу масъулият яна ҳам кучаймоқда.

Халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари бундан чуқур хис қилиб ишламоқдалар. Кенгаш доимий комиссиялари саноат ва қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариши, хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, аҳоли

осойишталигини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоатчилик ҳамкорлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ишчанлик билан кўриб чиқиб, кенгаш сессияларида долзарб масалаштиришга эришмоқдамиз. Ёшларда Ватан туйғусини кучайтириш, уларга она-юртнинг ардоқлаш фазилатини сингдириш учун урғулар, давриса турли идора ва ташкилотлардаги ижро интизомини чуқур таҳлил қилинаёти

лаштиришга эришмоқдамиз. Ёшларда Ватан туйғусини кучайтириш, уларга она-юртнинг ардоқлаш фазилатини сингдириш учун урғулар, давриса турли идора ва ташкилотлардаги ижро интизомини чуқур таҳлил қилинаёти

Туманимиз Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Бу ҳам зимманимизга алоҳида вазифа юклайди. Чунинчи, «Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунга амал қилиниши ҳақида эътиборимизда. Доимий комиссия йиғилишларида товарлар ноқонуний киритилиши, наркотик моддалар олиб ўтишга барҳам бериш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилапти. Бу ҳусусдаги қарор-

ларимиз ижроси доимий назоратимизда.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»нинг дастурий вазифалари кенг қуламли. Уларни мукамал рўйбга чиқариш барча куч ва имкониятларни бирлаштиришга боғлиқ. Доимий комиссиямиз бу жараёнда барча идора, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда ишлаб, қонунлар ижросини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, аҳоли осойишталиги эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари фаоллаштириб боради.

Аббосхон ВАЛИЕВ,
халқ депутатлари туман кенгаши ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий комиссияси раиси.

ЗАРИНАНИНГ ЮТУҒИ

Иқтидорли ёшлар турли мусобақалар, кўриқ-танловларда ғолиб чиқиб, Бекобод тумани шўхратини оширишга тир. Улардан бири - 2-мактабнинг собиқ ўқувчиси Зарина Қосимова.

Олтинчи синфни тугатган, пойтахтдаги иқтидорли болалар гимназиясида ўқиди, - дейди Зарина. - Ҳозир Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетини қўшиқда лицейда билим оляпгани. Бадий ижод тўғрақларидаги машғулотлар менинг жону дилим.

Зарина "Келажак овози" кўриқ-танловининг республика босқичида ғолиб топилди, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Кутбн ҲАКИМОВА.

ДОИМИЙ КОМИССИЯ ҲАРАКАТДА

ларлар мухоама қилинишига эришмоқдалар. Табиийки, 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинганлиги доимий комиссияларимиз иш режаларига ҳам муайян қўшимчалар киритди, депутатлар фаолиятини жонлантirdи. Эндилдиқда улар қишлоқларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, қурилиш-

ти, камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тавсиялар берилапти. Жумладан, сайловчилар билан учрашуларда Чанқ қишлоғи, хусусан, Қорақўйли ва Бердидой маҳаллаларида ободонлаштириш, аҳоли турмушини яхшилаш, ёшлар тарбияси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ҳусусида фикрлашиб олиб, куч ва имкониятларни бир-

Республикаси билан чегарадош. Бу ҳам зимманимизга алоҳида вазифа юклайди. Чунинчи, «Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунга амал қилиниши ҳақида эътиборимизда. Доимий комиссия йиғилишларида товарлар ноқонуний киритилиши, наркотик моддалар олиб ўтишга барҳам бериш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилапти. Бу ҳусусдаги қарор-

Бекобод тумани: САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИНИНГ БАРИ ФАРОВОН КЕЛАЖАККА ДАХЛДОР

Қишлоқ ҳўжалиги, унга хизмат кўрсатувчи соҳаларни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юрт равнақини таъминлайди.

Шу боис Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ислохотларни чуқурлаштиришга янги туртки берувчи тадбирлар режасини белгилаб олдик.

МАҲАЛЛАЛАРДА — КОМПЬЮТЕРЛАР

"Сариоз" ва "Янгибозор" маҳаллалари фуқаролар йиғинларида иш юритиш компьютерлаштирилди. Энди ахборот ва маълумотларни тўла жамлаш ва таҳлил қилиш, ёш болали оилаларга нафақа белгилаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга доир ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнлари янада яхшиланди.

Азимжон ҲОЖИМИРЗАЕВ,
"Маҳалла" жамғармаси туман кенгаши раиси.

ЮРТ РАВНАҚИНИ КЎЗЛАБ

Дастуриимизда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий кичик корхоналарни барпо этиш, аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эътижини барқарор таъминлаш асосий ўрин эгалламоқда. Шу мақсадда қишлоқларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада тараққий эштиришимиз. Фермерлик ҳаракатини кўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий негизини мустаҳкамлаш, тадбиркорлар, ишбилармонлар манфаатлари ишончли химоя қилинишига эътибор-

ни кучайтирмоқдамиз. Маҳсулотларни қайта ишлаш, паррандачилик, асаларичилик, балчиқчилик соҳаларини ривожлантириш лойиҳалари учун кредит маблағлари ажратилапти. Айни пайтда кам таъминланган оилаларга қорамол сотиб олиш учун имтиёзли, талаба-ёшларга эса таълим кредитлари ажратилапти. Шу мақсадлар учун бу йил 610 миллион сўм кредит маблағи сарфланмоқда. Унинг асосий қисми рақобатбардор но-озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариши кенгайтиришга, кичик корхоналар

учун зарур технологик ускуналар, хом ашё ва материаллар сотиб олишга сарфланади. Айни пайтда кам таъминланган аҳоли маблағларини миллий валютада "Оқ олтин", "Хумо", "Қишлоқ фаровонлиги", хорижий валютада "Севинч", "Эзгу", "Чашма" сингари 25 турдаги мuddатли ва жамғариб бориладиган омонатларга жалб этиш кенг йўлга қўйилди.

Кобил ШОКИРОВ,
"Пахтабанк" Зафар филиали бошқарувчиси вазифасини бажарувчи.

МАВСУМГА ШАЙМИЗ

Далаларимизда кўклам нафаси тобора яққол сезилапти. Галлазорларда ям-яшил бугдой майсалари буй чўзаяпти. Чигит экишга тайёргарлик бошлаб юборилди. Бир томонда орик-зорвулар тозаланяпти.

Кўкламги дала ишларининг бошланишига қишлоқ ҳўжалик техникаси ҳам тахт қилиб қўйилди. Бизнинг муқобил машина-трактор паркимиз "Далварзин" фермер ҳўжаликлари уюшмасига хизмат кўрсатади. Бугун турли мақсадларда фойдаланиладиган 14 та трактор, 12 та экиш агрегати ва 100 дан ортиқ бошқа қишлоқ ҳўжалик машина-ускуналарини мавсумга тахт қилиб қўйдик. **Рустан УСМОНОВ,** "Далварзин" фермер ҳўжалик машина-трактор парк мухандиси.

ЖУМАБОЗОР ЯШНАЙДИ

Ҳаётда шундай воқеалар бўладики, улар одамларга ғайрат-шижоат бағишлаб, катта-катта ишларга рағбатлантиради. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2009 йилга «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», деб ном берилиши шундай воқеа бўлди, дейиш мумкин.

Маҳаллаларимизда 17 минг аҳоли яшайди. Уларнинг ҳар иккинчиси мактабгача ва ўқиш ёшидаги ўсмирлар эканлиги яқин йиллар ичида маҳаллаларда кўплаб янги ишчи ўринлари очилиши тақозо этади. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили бу борадаги саъй-ҳаракатларни жадаллаштиришда муҳим ўрин тутади.

Қишлоғимизда 39 та фермер ҳўжалиги ташкил этилган. Уларга 300 га яқин киши янгидан ишга жойлашди. Очилбой Холмонов, Эркин Тошқулов, Баҳодир Бегматов, Ботир Жўраев сингари фермерлар пахта, бугдой ва бошқа экинлардан мўл ҳосил этиштириб, мўмай даромад олишяпти. Шу боис химмат, меҳр-оқибат кўрсатиб, кам таъминланган оилалар, ногиронларни кўллаб-қувватлашмоқда. Бундай бағрикенгликдан 160 та муҳтож оила баҳраманд бўляпти. Ўтган йили 51-умумтаълим мак-



таби мукамал таъмирланиб, янгидан жиҳозланди. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастурига мувофиқ 27-умумтаълим мактабини қайта қуриш лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Бу ерда янги, замонавий спорт зали ҳам қурилади. Оқтепа қишлоғида врачлик пункт-

Инфратузилма

яшашди. Жумабозор сандиқчилари, мебелсозларининг маҳсулотлари харидоринг. Ташаббускор тадбиркор Ортиқбой Сотиболдиев бу ишни яна ҳам кенгайтириш, устоз-шоғирдик ҳаракатини кўлоч ёйдириб, ёшларни иш билан бағиштириш йўлида ғайрат кўрсатапти. Айни пайтда маҳаллаларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини кенгайтириш ҳаракатидамиз.

Қисқаси, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастуриимизнинг йўналишлари хилма-хил. Албатта, белгиланган режаларни жонкуяр жамоатчилару маҳаллалардаги фаоллар ёрдамида бажариб бўлмайди. Фаолларимиздан Инъомхон Зиёмиддинов, Ёқутхон Мўнавова, Мунаввар Мирзаева, Абдумалик Юсупов, Зулфия Абдураимова маънавий-ахлоқий тарбия, муҳтожларни ҳар жиҳатдан кўллаб-қувватлаш, маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига бош-қош бўлишмоқда.

Ҳасанбой ЖУМАБОЕВ,
Жумабозор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси. СУРАТДА: тумандаги Янги ҳаёт қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам кўкаламзорлаштириш ишлари авжида.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАДА

Эл соғлиғи - юрт бойлиги. Халқ саломат, фарзандлари ҳам ҳисмонан, ҳам маънан соғлом юрт қудратли бўлади. Шу боис, ҳукуматимиз соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириб, ташxis-даволаш ишларини яхшилаш, тиббиёт ходимлари нуфузини ошириш масаласига ҳамиша устувор йўналиш сифатида қарамоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили режаларига кўра, шифоналаримизда даволаш шароитлари тубдан яхшиланади. Марказий шифонамаизни янги асосбўйича қуриш ва таъмирлаш бўлган ҳисобда давом эйтирилмоқда. Чунинчи, шифокорларимиз яқинда УЗИ ва ички касалликларга ташxis қўйиладиган замонавий ас-

боблар олишяпти. Иситиш, каналлизация, тозалаш ва бошқа ёрдамчи иншоотларни тубдан таъмирлаш бошланапти. Бу ишларни молиялаштириш учун марказлаштирилган маблағлар ва маҳаллий бюджетдан жами 312 миллион сўм ажратилмоқда. Ҳозирги пайтда «Маллавои» ва «Оқтепа» маҳалласида қурилиши

мўлжалланаётган врачлик пунктларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, ҳомий корхона - "Ўзметкомбинат" очик акциядорлик бирлашмаси маъмуриятига тақдим этилди. Шу ўринда металлургиянинг туманимизда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, хусусан, соғлиқни сақлаш муассасалари билан қишлоқларда қайта қуриш ёки янгидан барпо этиш, уларни энг замонавий даволаш ускуналари ва мебеллар билан жиҳозлаш йўлида кўрсатаётган амалий ёрдамни алоҳида таъкидламоқчиман. Корхона бу мақ-

садлар учун ҳар йили юз миллион сўмлаб маблағ сарфламоқда. Бу йил туманимизнинг икки қишлоғида қурилаётган врачлик пунктининг барча сўф-ҳаражатларини ҳам шу корхона ўз зиммасига олди. Қурилишларни битказиб, янги шифоналарни ҳам "Саломатлик - 2" лойиҳаси асосида тўла жиҳозлаган, икки қишлоқ аҳолисига ҳада қилишмоқчи.

Ҳар йили шифоналаримизда 4600-4700 бемор даволанмоқда. Уйда тиббий хизмат кўрсатиш қўлами ҳам кенгайиб борапти. Ўтган йили 36 мингдан ортиқ туғиш ёшидаги аёллар тиббий

кўриқдан ўтказилиб, турли касалликлар аниқланган 12,2 минг аёл соғломлаштирилди. Кейинги бир йилда бир бемор учун сарфланган маблағ даражаси уч баробар ортганлиги даволашга эътибор, тиббий хизмат даражаси қанчалик юксалганлигини кўрсатувчи далиллар.

Зулфия ХОЛМИРЗАЕВА,
туман марказий шифонаси болалар бўлими мудири, Узбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси.

бўлмайди. Уни таъминлаш учун ҳўжалик ташкилотлари, назорат, айниқса, солиқ идоралари ҳамжиҳатликда иш олиб боришлари керак. Натижада фақат солиқлар тушуми 10 миллиард 750,7 миллион сўмга етиши таъминланиб, 2 миллиард 105 миллион сўм қўшимча даромад олишга эришилади.

Қишлоқ аҳолисини ижтимоий химоялаш, турмуш фаровонлигини кўтариш мақсадларига ўтган йилдан 2 миллиард 26 миллион сўм ортиқ - жами 6 миллиард 923,4 миллион сўм маблағ ажратилмоқда. Кўплаб мактаб ва коллежлар, шифоналар таъмирланади, қайта қурилади, янги, замонавий ускуналар билан жиҳозланади. Қисқаси, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили туманимиз учун изчил ривожланиш йўлига чиқиб олиш босқичи бўлади.

Абдувосит УМАРОВ,
туман молия бўлими мудири.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари Жўра САЪДУЛЛАЕВ ва Даврон АҲМЕДОВ (сурат) тайёрлади.

Спорт Спорт Спорт Спорт

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоаси хужумчиси Анвар Солиев қўнғининг энг нуфузли мусобақаси - Осиё чемпионлар лигаси тарихидаги энг яхши тўпурарлар ўртасида етакчилик қилаётган Ан Чжун Хванга (Жанубий Корея) етиб олганини эълон қилди.



АНВАР ОСИЁ ТЎПУРАРЛАРИ САФИДА

Бу йилги халқаро турнирнинг биринчи турида "Бунёдкор" таркибиди "Ал-Иттифок" жамоаси дарвозасига иккита тўп киритиб, ҳамюртларимизнинг 2:1 ҳисобидаги гала-болсини таъминлаган Анвар Солиев Осиё чемпионлар лигаси мусобақаларидаги жами голлари сонини ўн иккитга етказди.

Зилган Осиё чемпионлар лигасининг биринчи учрашувида "Ал-Ахли" (Бирлашган Араб Амирикллари) дарвозасини ишғол қилиб, ўша пайтдаги жамоаси - "Пахтакор"нинг (Тошкент) 3:2 ҳисобидаги галабасига катта ҳисса қўшган эди.

Ушандан буён аввалига "Пахтакор", 2008 йилдан бошлаб "Бунёдкор" сафида китъа микёсидаги му-

собақада узлуксиз иштирок этиб келаётган Анвар Солиев энг яхши тўпурарлар ўртасида яхши пешақам бўлишга жуда яқин турибди. Чунки унинг асосий рақобатчиси Ан Чжун Хван тўп суратган Жанубий Кореянинг "Пусан" жамоаси бу йилги Осиё чемпионлар лигасида катнашмапти.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси.

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

ВЕЛОСПОРТ. Тошкент вилояти йўллари бўйлаб ўтказилган мамлакат кишики очик чемпионати яқунланди. Мусобақада юртимиз спортчилари билан бирга Россия ва Қозогистон вакиллари ҳам беллашди.

Сўнги босқичда велоспортчилар 120 километрга ўтказилган пойгада иштирок этди. Чирчилик Мурод Холмуродов маррани биринчи босқич ўтиб, мусобақа голиби бўлди. Иккинчи ўрин тошкентлик Владимир Тўйчиевга насиб этган бўлса, Чирчиқ шаҳрининг яна бир вакили Денис Шайманов кучли учликдан жой олди.

ТЕННИС. Қозогистоннинг Алмати шаҳрида "Фьючерс" туркумидаги халқаро турнирда Европа ва Осиё мамлакатларидан келган ракетка усталари голиблик учун кўрта чиққоқди. Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Рифат Биктяков дастлабки босқичдан муваффақиятли ўтди. У биринчи ўрашувда мезбонлар вакили Динмухаммад Есенкуловни 6:2, 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Р. Биктяков навбатдаги беллашувда россиялик Д. Асановга қарши кўрта чиқади.

ЎЗА.

Каратэ-до бўйича Ўртачирчиқ туман очик биринчилигини ўтказиш учун ижтимоий иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг спорт зали танланди. Мусобақа туман болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди.

ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ

Бундай мусобақаларни, - деди туман болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бош мутахассиси Дониёр Султонов, - спортчилар учун ҳақиқий тажриба ва маҳорат мактабига айлантириш мақсадида ташкил қилаёмиз. Дарҳақиқат, туман биринчилигига нафақат ташкилотчилар, балки спортчилар ҳам жиддий тайёргарлик кўришган экан. Бу баҳсларнинг қизгин ва шиддатли кенгашида яққол кўринди. Шу кунги 1990-2000 йилларда туғилган 90 нафар ўғил-қиз голиблик учун куч синашди. Улар орасида Ганел ва Янгийул шахарлари, Ўртачирчиқ, Оҳангарон, Янгийул, Қўйчириқ ҳамда Юқоричирчиқ туманларининг вакиллари ҳам бор эди.

Тайёргарлигим қанчалик пухта бўлишига

қарамай, биринчи ўринни эгаллайман, деб ўйламаган эдим, - деди мусобақанинг 13 ёшли иштирокчиси ангрелик Зулхумор Бобоева. - Истардимки, ҳамма ўзбек хотин-қизлари спорт билан шуғулланишса. Шунда сафимиз янада кенгаярди.

Мусобақанинг яқуний натижаларига қўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Янгийул тумани вакиллари эгаллашди. Мезбон жамоа шохсупанинг иккинчи погонасини банд этди. Ангрелик ёшлар ҳам кучли учлик таркибидан ўрин олишди.

Бунёд Фарходов, Малика Мамадиевора, Диёр Султонов, Зарина Толипова, Шавкат Умаров ҳамда Юқоричирчиқ туманларининг маҳорати ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди.

Хуррият МҲМИНОВА.

«ОЛАМШУМУЛ УЙҒУНЛИК»

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида таниқли расом Елена Бондаренконинг "Оламшумул уйғунлик" номли шахсий кўргазмаси очилди.

Украинанинг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан таш-

кил этилган кўргазма Тошкентдаги Украина маданий марказининг ўн

беш йиллигига бағишланди. Елена Николаевна Бондаренко рангтасвир оламига кириб келганига кўп бўлмади. Бироқ унинг асарлари муҳлисларда катта таассурот қолдир-

моқда. Ижодкорнинг биринини такрорламайдиган асарлари томошабинини фикрлашга ундаш билан бирга, ҳаёт ҳақиқати, бахт-саодати ва олам гўзаллигини ҳис этишга ўргатади.

Уларни англаш жараёнида инсон қалби ўзининг қинокатга оидлигини, оламида содир бўлаётган жараёнларга дахлдор эканини ёдга олади. Рустам ХАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс".

Узоқ вилоятлардан бирига тўйга кетаётган эдик. Тўёнага қўшимча бўлсин деб, йўл-йўлакай бир яшиқ ароқ олиб, машина юкхонасига ташлаб қўйдим. Йўлда мотор қизиб, иссини юзга чиқиб кетди. Тўхтаб, у ёқ-бу ёғини қарадим, уста тушмагур радиаторнинг мурватуни яхши бурамаган экан, суви батамом оқиб кетибди. Бошқа мурват топиб, бураб қўйдим. Энди сув қуйилса бас, йўлга чиқса ҳам бўлаверади. Аммо, яқин атрофда сув йўқ. Онда-сонда ўтиб қоладиган йўловчи машиналардан бир-иккитасини тўхтатиб, сув сўрадик. Аксига олиб, улар ҳам сув олиб юришмас экан. Роса бошим қотгандан сўнг, миямга "ялт" этиб бир фикр келди.

- Тогдими!
- Нимани тогдин? - хайрон бўлишди ҳамроҳларим.

- Юкхонадан ароқни олинглар, - дедим. Шишалардаги ароқни радиаторга қўйдик. Машина йўталиб, аксириб, юриб кетди. Одамлар ашаётган жойга яқинлашганда, узоқдан қорамол шарпаси кўринди. Сигналини босдим.

- Би-иб, эй хўкиз, қоч йўлдан! - деди дўриллаган овоз билан машина сигнали одам тилида.


Биз хайратдан ёқа ушладик. Буниси хали ҳолва экан, машинамиз йўлда учраган машиналарга гап ота бошлади:

- Хой, яхши қиз... йўғ-э, яхши машина, соатингиз неча бўлди? Исмингиз нима экан? Телефон номерингизни айтиб юборолмасизми? Бир пайт машина йўлнинг у четидан бу четига чайқала бошлади.

- Йўлини бўшатларин! - ўқирди у. - Бу йўлдан бир-тўла ўзим юраман, мен юганда ҳамма тўхтаб турсин, йўқса паचाгингни чиқараман!

Шоша-пиша тезликини пайсаттирдим.

оёгингни ол, деяпман! Газни бос, газни! Охиригача! Бир йўлини қилиб тўхтатдим-у, моторни ўчирдим. - Бу машинада юриб бўлмайди, кайфи ошиб кетди, - дедим ҳамроҳларимга, - вақт ганиматда тушиб олайлик. - Кимнинг кайфи ошиб



БОРИНГАН ИҲҒИНГ

қолибди, ҳақорат қилманг, хўжайин! Майли-майли, тушаверинглар, ўзим кетаверман, - деди машинамиз ва бизнинг дод-войимизга қарамай "тр-р" қилди-ю, чайқалганча кетворди.

Тўйхонага не азоблар билан етиб олдик.

- Давра ўртасига кириб олган анави машина бизни кимга ўхшайди? - сураб қолди ҳамроҳларимдан бири.

- Уша. Оббо, номард-ей, тўйхонани қандай қилиб топиб келибди? Йўлда нима хунарлар кўрсатди экан, хали бу?

Секин-аста машинамизга яқинлашдик. У алланималар деб гўлдиратган эди.

- У-ўв, Запорож, сен хали мени танимай қолдингми? Хўв, қўнғизча, билсанми, мен кимман? Мени шаҳарнинг қаттасидан қичқирганча танийди. Сен жим ўтир, мен гапиратганимда,

акс ҳолда пешананга довулча қўйиб қўяман! Тушундингми, товуккатак?! - Тушундим, ошна, мен бошқа вилоятданман, шу сабаб сизни танимай қолиман, кечиринг, - деди "Запорожец" ялинганамо.

- Х-ўв, нима дединг, пақоқ? Яна бир қайтар. Ош-

йин, фақат шу ишни қилманг, нима десангиз ҳам майли, сувни алмаштирманг.

- Иложи йўқ, мени шунча қийнадинг, етар. Энди гапларимга қулоқ солмасанг, анави экскаватор билан гилдирагиндан осиб қўяман.

- Хўп деяпман-ку, хўжайин, мана кетдим. Илтимос, тўй хизматчиларига айтиб қўйинг, бир-икки шиша ароқдан ошириб юборишсин.

- Вой, нафсибузук-эй! Шундоқ ҳам ахволингни қара, шарманда!

- Бўлди-бўлди, хўжайин, тушундим. Мана, кетдим. Ҳарқалай у гандирақлаб кўрсатилган жой томон кетди. Базм қизигандан қизиди. Тўй тугашига оз қолганда, бир йигитча ёнимга келиб:

- Боя хархаша қилган машина сизникими, ака? - деб сўради.

- Ҳа, нима эди? - Э-э, жуда чатоқ экан унингиз, тўйга келган машиналарни каратэ қилиб ташлади. Менинг Запорожимни чувалчанг қилиб қўйибди. Хонадонларнинг дарвозаси-ю, деворларига калла қўйди, симёғочларни йикитди. Охири, қишлоқ четидидаги анҳорга қулаб тушди, - деди йигитча.

Қанча товон тўлашни хозирча тасаввур қила олмасдим.

Машинани ариқдан чиқармоқчи бўлиб экскаватор эгасини қидирдим. Тўйгарчилик экан, у шоввоз ҳам ичавериб, маст-ласт-ухлаб қолибди. Бориб анҳорга қарадим. Машинанинг фақат орқа чироклари сув остидан хира кўриниб турарди.

- Баттар бўл, сенинг бошиндан йўнғин афзал! - деб юборибман.

Сувдан "булк-булк" қилиб пуфаклар чиқди. Афтидан, у нимадир демоқчи бўлди-ю, аммо бунинг иложи топилмади.

Тойиб ҚАНОАТ.

ҲИКМАТГА МОЙИЛ ФИКРЛАР

Эртақларни ўқиб туринг, ёшлигингизга қайтгандек бўласиз.

Отанг кўрсатган йўлга ҳам йўлаб қадам қўй.

Отаман, онаман, фарзандман дейишга ҳамма ҳам ҳақли бўлавермайди.

Гўзалликини сезган кунингдан бошлаб инсонликка қадам қўясан.

Мен ўзининг ким эканлигини билиш учун бутун умримни бағишладим. Умримнинг қолганини ҳам шунга бағишламоқчиман.

Умрим ўтгани сари фикрим навқиронлашиб борганига гувоҳман.

Мансур ТОЙРОВ.

Бўстонлик туманидаги 53-ўрта мактаб томонидан 2006 йилда Джилибеков Қуниши Ермухамедов номига берилган О'Р-СН № 0472386 рақамли шохдотнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод туманидаги 235-ўрта мактаб томонидан 2003 йилда Миноваров Фазлиддин Садретдинович номига берилган О'Р-А № 1429160 № 12 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов туманидаги яққа тартибдаги тадбиркор Раҳимов Нодир Насировичга (ИНН 477792523, Гувоҳнома рақами 506777) тегишли гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Хамза туманидаги "VERTUS UNIVERSAL" (ИНН 30092124, Гувоҳнома рақами 2046-07) масъулияти чекланган жамиятига тегишли бир дона оддий думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов туманидаги "DENT ELITE" (ИНН 206971619, Гувоҳнома рақами 001213) масъулияти чекланган жамиятига тегишли бир дона оддий думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Қуйчириқ туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2008 йилда Амрибекова Жадира Абдужалилова номига берилган О'Р-СНА № 0045597 рақамли шохдотнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный диплом ЖВ-1 № 169744 об окончании Ташкентского ордена Трудового Красного Знамени государственного медицинского института, выданный в 1981 году на имя Каримовой Лолы Муслимовны.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ. Частное предприятие «АКТИВА ИМПЕХ», зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Чиланзарского района г. Ташкента за № 00494-08 от 15.01.2009 г. по адресу: г. Ташкент, проспект Бунёдкор д. 57, по решению учредителя преобразуется в общество с ограниченной ответственностью «АКТИВА ИМПЕХ».

Утеранный диплом об окончании Национального университета Узбекистана им. М. Улугбека, выданный 24.07.2002 году на имя Джумабаева Отабека Сабирджановича.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ. Утеранный план квартиры, выданный Чиланзарским БТИ по адресу: Чиланзарский район, Алгоритм Г-35, д. 12, кв. 40 на имя Даврушова Ясина Исрафиловича.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ. Утеранный гос.ордер № 09-02/2337 от 09.01.1993 г. права собственности на квартиру Туйчиевой Нигоры Вахитовны.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ. ООО «KREDO GROUP» извещает об увеличении уставного фонда общества с 3 301 000 000 сум до 3 781 247 477,9 сум.

Утеранная лицензия на коммерческую перевозку грузов выданная Министерством дорожного и речного транспорта за АТ № 0552071 от 23.12.2008 г. на марку автомобиля ГБА СНГ ГАЗ 53А, гос.номером 30W5776, принадлежащий Ибадуллаеву Фархад Рахимовичу.

Утеранный диплом В № 009408 об окончании Национального университета Узбекистана им. М. Улугбека, выданный 24.07.2002 году на имя Джумабаева Отабека Сабирджановича.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ. Утеранный диплом В № 278514 об окончании Национального университета Узбекистана им. М. Улугбека, выданный 28.06.2007 году на имя Джумабаева Отабека Сабирджановича.

Утеранный план квартиры, выданный Чиланзарским БТИ по адресу: Чиланзарский район, Алгоритм Г-35, д. 12, кв. 40 на имя Даврушова Ясина Исрафиловича.

Саломат бўлинг

ҚАЛБАКИ ДОРИЛАР ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ

Бутун дунёда фармацевтик корхона ва фирмалар ишлаб чиқарётган дори-дармонлар тури 800 мингдан ошди. Бироқ, аниқланишча миллионлаб беморлар қабул қилаётган дориларнинг 30 фоизи самара бермас экан.

Хозирги кунда жаҳон дори бозорига қалбаки дорилар 40-50 фоизга етмоқда. Маълумотларга қараганда, қалбаки дориларнинг 10 фоизи Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги республикалари, 25-30 фоизи асосан, Хитой, Хиндистон, Покистон, Корея, Польша, қолганлари Россия фирмалари маҳсулотлари эканлиги аниқланган.

Россияда 2,5 минг дори компанияси давлат рўйхатидан ўтиб, ўз маҳсулотларини сотмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, 25 минг компания, дори фирмалари ҳар йили 5-10 та янги дориини сотувга тавсия қилмоқда. Буларни текшириш, сифатини аниқлаш оддий иш эмас. Кўпинча уларнинг 60-65 фоизи текширилмайди. Сабаби - мутахассис етишмаслиги.

Маълумотларга қараганда ҳозир юртимизда беш мингдан зиёд дориҳона бор. Улар текшириб турилди. Мисол учун, 2008 йили 1214 тасида текшириш ўтказилди. Уларнинг 437 тасида қалбаки дорилар борлиги аниқланди.

2007-2008 йилларда ўтказилган текширувлар мобайнида 466 та сифатсиз, 644 та республика ҳудудида сотишга рўхсат этилмаган ва 53 та ҳолатда истеъмол муддати ўтган дори-дармонлар сотувга қўйилганлиги қайд этилган. Бу

рақамлар остида неча юзлаб юртдошларимизнинг саломатлиги масаласи турибди.

Республика Президентининг "2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технология қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги қарори фармацевтика корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, шунингдек, аҳолининг маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган талаб-эҳтиёжини янада тўла-роқ қондиришга қаратилган.

Хозирги кунда дори-дармонлар кўплаб олиб-сотиладиган бозорлар Кўкон шаҳри, Хоразм вилояти, Наманган шаҳрида ишлаб турибди. Уларда сотилаётган дори-дармонларнинг деярли ярми сертификатга эга эмас. Ярми рўйхатдан ўтмаган, шу тўғрисида арзон, яъни ярим нархда.

Хулоса қилиб айтганда, эл саломатлиги шу муаммоларнинг қай даражада ҳал этилишига бевосита боғлиқ. Шу боис, дориҳоналарда қалбаки ва сифатсиз дорилар кўпайиб кетишининг олдини олишга нафақат мутахассис идоралар, балки ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшимиз зарур.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

СКАНВОРД

Scrabble word search grid with clues in Uzbek and Russian. Clues include: 'Адолатли', 'Иш урия', 'Хашарот тури', 'Зумра-нинг сийғаси', 'Ибора', 'Бақаринг, амак ақил', 'Намунали', 'Кимёвий элемент', 'Рангай металл', 'Кимёвий элемент', '...-ула', 'Етарли', '...Оқдоя (орат-мейстер)', '...ас-ир', '...бора-либ', 'Жаро-ҳат-лағмоқ', 'Лайла-яяғ ошиғи', 'Уй жонвори', 'Ном, мактуб', 'Миях ҳаракат', 'Пилва қўй йил-лик тул', 'Аро, орлаб', 'Забон', 'Номус', 'Кўеш худоси', 'Шабада', 'Безак тури', 'Чай (Ўзгача рақобат)', 'Томас (инглаз азувачиси)', 'Нота', 'Екин ашеш', 'Бахт, омад', 'Ном', 'Автомат тури', 'Жан Жак (француз азувачиси)', 'Инжу, мияр варда', 'Ини', 'Сайлаб, туридан', 'Жан Жак (француз азувачиси)', 'Р.Фадри вилоят', 'Ини', '...Пас (шахар)'. Author: Тузувчи: Нигора ТОШЕВА.

Рассом ханааси

Cartoon by Хусан СОДИКОВ. A woman sits at a table with a speech bubble saying: '-Хой, қалбаки, хали ҳеч қанча гаплашганим йўқ-ку!'. A small character is running away from her.

Хусан СОДИКОВ чизган сурат.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.